# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2023 ЙИЛ — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2023 йил 16 март, № 54 (8397) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ:
## КЕНГ ҚАМРОВЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилотининг фавкулодда саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Анқара шаҳрига келди.**



Эсенбоға халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Анқара музофоти раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Президент Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари Туркия етакчисига ушбу мамлакатнинг жануби-шарқий музофотларида ўтган ойда рўй берган вайронкор зилзилалар муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди. Жабр кўрган музофотларни қайта тиклаш ва янги инфратузилмани барпо этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Туркия Президенти, ўз навбатида, Ўзбекистон Президенти ва халқига табиий офат оқибатларини бартараф этишда кўрсатган биродарлик ёрдами, қутқарув ишларидаги фаол иштироки ва жабрланганларга инсонпарварлик кўмаги учун яна бир бор самимий миннатдорлик билдирди.

Туркий давлатлар ташкилотининг фавқулодда саммити ташкилотдаги мамлакатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва биродарлик ришталарининг ёрқин ифодаси бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда Ўзбекистон — Туркия кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларининг ривожланиш суръати мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми ортмоқда, ўтган йили 370 та янги корхона ташкил этилди. Кейинги олти йилда Туркиянинг Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялари ҳажми 3,5 миллиард долларни ташкил этди.

Энергетика, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, енгил саноат ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, бўлажак олий даражадаги тадбирлар режаси, шу жумладан, Стратегик шериклик кенгашининг навбатдаги йиғилишига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Давлат раҳбарларининг учрашуви ҳар доимгидек очиқ, ишончли ва дўстона муҳитда ўтди.

Якунда Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октай Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кўп қиррали ва ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун "Дўстлик" ордени билан тақдирланди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТАЪМИНЛАНАЁТГАНИ БМТ ОЛИЙ КОМИССАРИ ТОМОНИДАН ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 март куни БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Туркни қабул қилди.**



Инсон манфаатларини илгари суриш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда Ўзбекистон билан БМТ тузилмалари ўртасидаги конструктив мулоқот ва амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари кейинги йилларда БМТ билан ушбу соҳадаги ҳамкорликда юксак даражага эришилганини мамнуният билан қайд этиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ ҳамоҳанг бўлган Ўзбекистондаги ислоҳотлар стратегиясининг бош устувор йўналиши эканини таъкидлади.

БМТ Олий комиссари Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни илгари суриш, суд идораларининг мустақиллигини ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятларини юқори баҳолади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 75 йиллигида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани, мамлакатимиз БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилгани, қийноқларнинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани, шунингдек, можароли ҳудудлардан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани, улар қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароитлар яратилгани алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021 — 2023 йиллар даврига сайлангани ҳамда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида Ёшлар ҳуқуқларига оид кенгашнинг қатор резолюциялари қабул қилингани инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларнинг кенг эътирофи бўлди.

Олий комиссар БМТ тузилмаларининг Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш нияти қатъий эканини тасдиқлади. Инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Учрашув якунида конструктив мулоқотни янада мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтириш, шу жумладан, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувга эришилди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИДАН ФОЙДАЛАНИШДА ПЕНСИЯ ОЛУВЧИЛАРГА ҚЎШИМЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР ЯРАТИШ ТЎҒРИСИДА

Кексаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда пенсия олувчиларнинг ҳаёт фаолияти ва турмуш даражасини янада яхшилаш, уларнинг шаҳар йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишида қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

1. Белгилансинки, **2023 йил 1 апрелдан** бошлаб Тошкент метрополитенининг тўлиқ фаолият кўрсатиши вақти давомида **пенсия олувчиларга бепул хизмат кўрсатилади**.

Бунда, Тошкент метрополитенининг мазкур бандда кўрсатилган хизматларни кўрсатиш эвазига олинмай қолган даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

2. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 1-бандида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласин.

3. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ва интернет тармоғида кенг ёритиш ишларини ташкил қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 15 март

Мулоқот

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Турк бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

Унда мамлакатимизда кечаётган конституциявий ислоҳотлар билан боғлиқ муҳим сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар бўйича маълумот бериб ўтилди. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳаси икки босқичда — халқнинг фикр-мулоҳазалари, таклифлари ўрганилиб, аҳолининг барча қатлами, кенг жамоатчилик иштирокида умумхалқ муҳокамаси орқали тайёрлангани алоҳида айтиб ўтилди. Умумхалқ муҳокамаси жараёнида жами 220 мингдан ортиқ таклифлар келиб тушган бўлиб, ҳар тўртинчи таклиф лойиҳада ўз аксини топган. Муҳими, янгиланган Конституциянинг асосий қисмини айнан инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид нормалар ташкил этади.

Шунингдек, мулоқотда куни кеча ўтказилган Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси бўйича Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш ҳақида" қарор қабул қилиниб, унга мувофиқ референдум 2023 йил 30 апрель кунига тайинлангани таъкидланди.

➔ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

*Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда жамият ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қизғин ва муфассал кўриб чиқилди. Муҳокамаларда асосий эътибор ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгалигига, унинг зарурати ва аҳамиятига қаратилди.*

### Келишув комиссиясининг хулосаси кўриб чиқилди

Мажлисда депутатлар томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича Келишув комиссиясининг хулосаси кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, кейинги пайтларда мамлакатимизда уй-жой сиёсати соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлардан келиб чиқиб, мазкур қонун бўйича Олий Мажлис Сенатининг берган хулосасида баён қилинган бир қатор таклиф ва эътирозлар Келишув комиссияси томонидан атрофлича муҳокама этилиб, билдирилган таклифларнинг аксарияти инобатга олинди.

Ушбу қонун Келишув комиссиясининг аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, алоқадор вазирлик ва идоралар мутасаддилари ҳамда соҳа экспертлари билан биргаликда атрофлича кўриб чиқилиб, асосли деб топилган таклифлар унда акс эттирилди.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Келишув комиссияси томонидан таклиф этилган таҳрирда қабул қилинди ва мазкур қонун Олий Мажлис Сенатига юборилди.

### Айрим моддаларга тегишли таҳририй тузатишлар киритилди

"Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бўйича Келишув комиссиясининг хулосаси ҳам мажлисда атрофлича кўриб чиқилди.

➔ 2

## СУРХОНДАРЁДА ЯНГИЛАНИШ ФАСЛИ

*Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 13 март куни Сурхондарё вилоятига ташрифи ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириб, аҳолининг руҳини янада кўтариб юборди. Вилоятда турмуш фаровонлигини янада ошириш, турли соҳалар ривожини янги босқичга кўтариш мақсадида олиб борилаётган ислоҳотлар воҳада кезаётган янгиланиш нафасига, баҳор тароватига, табиат ўзгаришларига ғоятда уйғундир.*

### Мушоҳада

Дарҳақиқат, атрофда баҳор. Кўз ўнгимизда Наврўз... Ўйлаб қарасак, баҳору Наврўзнинг замирида янгиланиш мужассам. Наврўз — янги ҳаёт, янги кун, демак.

Президентимизнинг 2023 йил 1 мартдаги қарорига мувофиқ, жорий йилда ушбу умумхалқ байрами мамлакатимизда "Ҳар кунинг Наврўз бўлсин, жонажон Ўзбекистоним!" деган бош ғоя асосида нишонланиши белгилангани бежиз эмас. Бугунги Ўзбекистон ҳар куни янгиланиш оғушида яшамоқда. Барча соҳада ўзгаришлар, юксалишлар. Шу маънода, ҳар кунимиз Наврўз, десак, муболаға эмас.

Юртимизнинг барча ҳудудида бўлгани каби Сурхондарёда ҳам Наврўз ифори кезаётир. Она табиатда, ижтимоий ҳаётда, қалбларда... бир ажиб кўтаринкилик, янгиланиш, яшариш. Хусусан, охирги беш йилда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 15 мингдан зиёд корхоналар ишга тушган. Демак, қанчадан-қанча оилалар барқарор даромад манбаига эга бўлган, қанчадан-қанча қалбларда нур балқиган.

➔ 4

Брифинг

## Фолькер Турк:
## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

*БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Турк кеча матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказди. Унда Олий комиссар мамлакатимизда олиб борган музокаралар ва мулоқотлар мавзулари ҳақида маълумот берди. Ташрифдан мақсад — инсон ҳуқуқларига доир муҳит билан танишиб, реал масалаларни муҳокама қилиш ва ўз тавсиялари билан ўртоқлашиш эканлигини қайд этди.*

— Ташриф доирасида мамлакат раҳбари, ҳукумат аъзолари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ташкилотлар вакиллари, ҳуқуқ ҳимоячилари ва оддий одамлар билан мулоқотда бўлдим, — деди Олий комиссар. — Амин бўлдимки, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас.

➔ 2

## ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

1 Учрашувда БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича низоми ва шартномавий органлари орқали мамлакатларнинг халқаро мажбуриятларини амалга оширишда парламент ролини кучайтириш масалалари юзасидан ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси ўз сўзида БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳим ўрин тутиши, шу маънода, унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини бошқаришга масъул асосий органи ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси билан конструктив алоқаларни янада кенгайтириш, хусусан, парламент аъзоларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги салоҳиятини кучайтиришга қаратилган ўзаро мулоқот манфаатли эканини таъкидлаб ўтди.

Ўз навбатида, Ф. Турк Ўзбекистонда гендер тенглиги ҳамда аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришилган натижаларни ва ҳозирда амалга оширилаётган чора-тадбирларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди. Айни чоғда Олий комиссар Ўзбекистоннинг можаро зоналаридан аёллар ва болаларни қайтариш, уларни жамиятга реинтеграция қилиш бўйича саъй-ҳаракатларига юксак баҳо бериб, бу борада амалга оширилаётган ишлар кўплаб давлатлар учун намуна эканини урғулади.

Шунингдек, учрашувда хотин-қизларнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ролини кучайтириш, ижтимоий-инклюзив муҳит ҳамда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилди.

Конструктив ва амалий руҳда кечган учрашув якунида жамиятда инсон ҳуқуқларини янада ишончли ҳимоя қилиш механизмларини ишга солишга қаратилган ҳамкорликни кучайтиришга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

Фолькер Турк:

## ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ОРТГА ҚАЙТМАС ИСЛОҲОТЛАРНИ ҚУВВАТЛАЙМИЗ

1 Инсон ҳуқуқлари соҳасида эътирофга молик силжиш бор. Ўзбекистоннинг болалар ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш, гендер тенгликни таъминлаш, суд идораларининг мустақиллиги ва қонун устуворлигини таъминлаш борасидаги муваффақиятлари халқаро ҳамжамият эътиборига тушди. Биз Ўзбекистондаги ортга қайтмас ислоҳотларни қўллаб-қувватлашни давом эттириш ниятида қатъиймиз.

Брифингда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Турк Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури қабул қилингани, қийноқларнинг олдини олиш бўйича фуқаролик жамияти институтлари иштирокидаги превентив механизм яратилгани, можароли ҳудудлардан хотин-қизлар ва болалар ўз юртига қайтарилгани, уларнинг қайта ижтимоий интеграциялашуви учун барча зарур шароит яратилганини алоҳида эътироф этди.

Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига 2021 — 2023 йиллар даврига сайлангани ҳамда мамлакатимиз томонидан илгари сурилган ташаббуслар асосида Ёшлар ҳуқуқларига оид кенгашнинг қатор резолюциялари қабул қилингани инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ютуқларнинг кенг эътирофи бўлганини таъкидлади.

Олий комиссар инсон ҳуқуқларини мониторинг қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ролини кучайтириш, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ва пенитенциар муассасалар ходимларини ўқитиш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга тайёрлигини билдирди.

Шу билан бирга, Фолькер Турк мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни юксак баҳолаб, бу жараён изчиллик билан давом этишига ишонч билдирди.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УСТУВОРЛИГИНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ

1 Таъкидланганидек, Келишув комиссияси томонидан қонуннинг айрим моддаларига тегишли таҳририй тузатишлар киритилди ва якдил хулосага келинди.

Мажлисда қонун Келишув комиссияси томонидан таклиф этилган таҳрирда қабул қилинди ва Олий Мажлис Сенатига юборилди.

### Депутатлар томонидан эътирозлар билдирилди

Депутатлар "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Унинг қабул қилиниши билан республиканинг яйлов ер майдонларида табиий ҳолда ўсувчи каврак захираларидан барқарор фойдаланиш, каврак плантацияларини ташкил этиш, хомашёсини йиғиш ва уни экспорт қилиш учун қулай шароитлар яратиш орқали ушбу соҳани ривожлантиришга асос яратилади.

Мажлисда депутатлар томонидан лойиҳа юзасидан айрим эътирозлар билдирилди. Ундаги баъзи моддаларни қайта ишлаш ва маромига етказиш бўйича таклифлар берилди. Билдирилган фикрлар инобатга олинган ҳолда қонун лойиҳаси такомиллаштириладиган бўлди.

### Фермер хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлиги ошади

Мажлисда "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳам муҳокамалар марказида бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонундаги бўшлиқлар тўлдирилмоқда. Шунингдек, фермер хўжалигининг мажбуриятлари сифатида белгиланган тузилган контрактация шартномаларига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулоти назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш нормалари чиқариб ташланмоқда.

Қонун лойиҳасида фермер хўжаликлари сув ресурсларидан туман ирригация бўлимлари ўртасида сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича шартномага мувофиқ фойдаланиши, сувни тежаш, сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини кўриши ҳам ўз аксини топган.

Бундан ташқари, туман ирригация бўлимлари билан сув етказиб бериш ва сув хўжалиги хизматларини кўрсатиш бўйича тузилган шартнома талабларига мувофиқ суғориш тармоқларини техник жиҳатдан соз ҳолатда сақлаш, улардан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларига риоя этилиши аниқ белгилаб қўйилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши билан фермер хўжаликларига юклатилган мажбуриятлар камайтирилади ва оптималлаштирилади. Фермер хўжаликлари фаолиятига давлат аралашуви кескин қисқартирилиб, уларнинг мустақиллиги таъминланади ҳамда ўзларининг ишлаб чиқариш фаолиятидан иқтисодий манфаатдорлиги ошади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш зарурати

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган — "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Хусусан, таклиф этилаётган нормалар билан фермер ҳамда деҳқон хўжаликларига сув етказиб бериш, сув истеъмоли режаларини мукаммаллаштириш, томорқа ер участкаларини сув билан таъминлаш бевосита туман ирригация бўлими томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Ҳужжат лойиҳасининг қабул қилиниши туман ирригация бўлимлари томонидан фермер, деҳқон хўжаликларига сув етказиб беришда кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш, сув билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш ва ундан оқилона фойдаланишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

### Давлат чегарасининг дахлсизлиги мустаҳкамланади

"Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни янада кучайтиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг муҳокамаси ҳам қизғин кечди.

Қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга чегара қўшинларига давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, транспорт воситаларини ушлаб туриш ва кўрикдан ўтказиш ваколатини бериш ҳамда чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ёки уларнинг ўз хизмат бурчини бажаришига қаршилик кўрсатганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритиляпти.

Шу билан бирга, депутатлар таклифига биноан, мазкур Кодекснинг $224^2$-моддасига тегишли ўзгартиш киритилиб, давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда қўлланиладиган қўриқлашнинг техник воситаларини йўқ қилганлик ёки уларга шикаст етказганлик учун жавобгарлик белгиланиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши давлат чегарасини янада ишончли қўриқлаш ва ҳимоясини таъминлаш, шахсларнинг ортиқча оворагарчилигига чек қўйиш, чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ваколатларини аниқлаштириш, айни чоғда уларнинг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси қабул қилинди.

### Ҳужжат лойиҳаси нега тортишувга сабаб бўлди?

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига криптоактивлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тизимини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси билан қонунчиликка криптоактивлар айланмаси йўналишидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга оширишга лицензия бериш ҳамда криптоактивлар айланмаси соҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш қоидалари, жумладан, лицензияланадиган фаолиятнинг янги кичик турларини киритиш, майнинг амалга оширилиши учун рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш талаб этиладиган янги фаолият тури сифатида қўшиш, шунингдек, майнинг фаолияти тартибини такомиллаштириш кўзда тутилган.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида криптоактивлар айланмаси соҳасини тартибга солишдаги бўшлиқлар бартараф этилиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланади.

Мажлисда ушбу қонун лойиҳаси қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Депутатлар лойиҳада назарда тутилаётган нормалар бўйича қатор саволларни ўртага ташлаб, ўз таклифлари, фикр-мулоҳазаларини билдирди. Масъул қўмита берилган таклифлар қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида инобатга олинишини, ушбу фикр-мулоҳазалар асосида ҳужжатни пишиқ-пухта ҳолатга келтиришини маълум қилди.

Узоқ давом этган тортишув ва савол-жавоблардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

### Бош вазир ўринбосарига парламент сўрови юборилди

Ҳудудларда ўтказилаётган учрашувларда сайловчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар, Қонунчилик палатасига келиб тушаётган мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, сайловчиларни ўйлантираётган масалалар қаторида қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш фаолияти билан боғлиқ муаммолар мавжуд.

Маълумотларга кўра, бугунги кунда республикада жами 295 та жарима майдончаси фаолият юритаётган бўлиб, уларда жойлаштирилиши мумкин бўлган транспорт воситаларининг сиғими 34 800 тани ташкил қилади.

Мазкур масалаларни ўрганиш мақсадида парламент қуйи палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан жарима майдончалари фаолияти Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари мисолида жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Мазкур жараёнда соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси, фуқаролар, хусусан, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини



сақлаш хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ эътирозлари ва таклифларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганишлар жараёнида депутатлар томонидан бир қатор муаммолар аниқланди. Хусусан, қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматларини кўрсатувчи юридик шахсларни аниқлаш ҳамда уларнинг танловини ўтказувчи танлов комиссияларини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича вилоят ҳокимларининг қарорлари қабул қилинган бўлсада, амалда ушбу танлов комиссиялари фаолияти тўғрисида, улар томонидан танловлар ўтказилганлиги ҳақида тегишли ҳужжатлар мавжуд эмас.

Шунингдек, ушланган транспорт воситаларини сақлаш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдори турлича, яъни аниқ миқдори белгиланмаган. Аксарият жарима майдончаларида ушланган транспорт воситаларини сақлаганлик учун пластик карталардан тўловларни қабул қиладиган ҳисоб-китоб терминали ҳамда фискал хотира билан жиҳозланган назорат-касса машинаси мавжуд эмас, борларида эса улардан деярли фойдаланилмасдан келинмоқда.

Бундан ташқари, ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари учун тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш имконияти яратилмаган, жарима майдончалари фаолиятида замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомиллардан фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, транспорт воситаси ушланганлиги сабаблари бартараф этилганлигини тасдиқлаш учун транспорт воситаси эгаси мансабдор шахс берган ёзма рухсатномани тақдим қилишга мажбур бўлиб, бунда ёзма рухсатномани олиш фуқароларнинг оворагарчилигига ҳамда ортиқча пул маблағининг сарфланишига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиқиб, мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Раматовга "Қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш бўйича ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### Қонуннинг жойлардаги ижроси қандай?

Парламент қуйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди.

Ўрганиш натижалари автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда, ҳали ечилиши лозим бўлган тизимли масалалар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, халқаро аҳамиятга молик автомобиль йўлларини реконструкциялаш, жумладан, "А-380" Ғузор — Бухоро — Нукус — Бейнеу автомобиль йўлининг 150 — 228 километр қисмини цементбетон қопламага ўтказган ҳолда реконструкция қилиш ишлари тўлиқ якунланмаган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Наманган, Навоий, Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида энг кўп йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлаётган 2,2 минг километрлик халқаро аҳамиятга молик йўлларга қарама-қарши йўналишларни ажратиб турувчи тўсиқларни ўрнатиш керак.

Ўрганишлар давомида хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктлари кўчаларининг 57,7 минг километри мавсумий ёғингарчиликлар оқибатида яроқсиз ҳолатга келгани аниқланди. Хусусан, биргина Тошкент шаҳрининг 1530,6 километр ички йўллари таъмирталаб ҳолатда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 февралдаги тегишли қарорига мувофиқ, автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш соҳасида шаффофликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 январдан бошлаб "Shaffof yo'l" онлайн ахборот платформасини ишга тушириш вазифаси белгилаб берилган. Лекин ҳозирги кунга қадар мазкур платформа тўлиқ ишга туширилмаган.

Соҳада кузатилаётган бундай ҳолатлар мамлакатимизда йўл инфратузилмаларини янада яхшилаш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ривожлантириш, йўл ҳаракати иштирокчилари учун юқори даражада қулайлик ва хавфсизлик тизимини яратиш борасидаги ишларга ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ушбулардан келиб чиқиб, транспорт вазири И. Маҳкамовга "Автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### Мактаблардаги муаммолар қачон ечимини топади?

Халқ вакиллари томонидан таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг натижадорлиги устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиб, соҳани тартибга солишга доир қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилиши ҳолати назорат-таҳлил тартибида ўрганилди. Ушбу ўрганишлар якунлари ва мурожаатлар таҳлили умумтаълим мактабларида ўз ечимини кутаётган қатор долзарб масалалар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, бугунги кунда ўқувчилар сони мактабларнинг мавжуд сиғимидан сезиларли даражада ортиб бораётгани таълим муассасаларида қўшимча бинолар қуришга эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги 10 104 та умумий ўрта таълим мактаби 5,2 млн. нафар ўқувчига мўлжалланган бўлса-да, уларда жами 6,3 млн. нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Мавжуд 673 та мактабнинг навбатлилик коэффициенти эса белгиланган нормалардан юқорилигича қолмоқда.

Масалан, Самарқанд вилоятининг Ургут туманида 2022 йилда жами 6 744 нафар ўқувчи мактабни тамомлаган бўлса, биринчи синфга 12 000 нафар ўқувчи қабул қилинган. Мазкур рақамлар мактаблардаги юклама ҳажмининг йилдан-йилга ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда тумандаги 147 та мактабнинг 19 таси уч навбатлилик (смена)да ўқитилмоқда. Бундай ҳолат республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учрайди.

Шунингдек, 2022 йилда "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида мамлакатимизда 942 та мактабга Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан 1 трлн. сўмга яқин маблағ ажратилган бўлса-да, айрим ҳудудлардаги мактабларнинг моддий-техник таъминотини ва инфратузилмасини ушбу маблағ доирасида яхшилаш борасидаги ишлар шу кунга қадар бошланмаган.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳ. Умаровага "Мактабларда қўшимча ўқувчи ўрнини яратиш ҳамда мактабларнинг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масала юзасидан Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақида қарор қабул қилинди.

### Сиёсий партияларнинг ҳисоботлари эшитилди

Мажлисда, шунингдек, депутатлар сиёсий партияларнинг 2022 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитдилар.

Қайд этилганидек, кейинги йилларда энг муҳим давлат масалаларини ҳал қилишда сиёсий партияларнинг роли ва таъсири, шунингдек, уларнинг парламентдаги фаолияти сезиларли даражада кучайди. Умумқабул қилинган демократик стандартларга ва халқаро нормаларга тўлиқ жавоб берувчи сиёсий партияларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди.

Бугунги кунда сиёсий партиялар ўз дастурий мақсадларини илгари суриш ва амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча имкониятларга эга.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, ҳар бир сиёсий партия Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сонига қараб ўз устав фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларининг муайян ҳажмларини олиш ҳуқуқига эга.

Мажлисда айтиб ўтилганидек, сиёсий партияларнинг моддий-молиявий ҳамда бошқа ресурслари уларнинг дастурий мақсад-вазифаларини амалда рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Айни жиҳатдан келиб чиқиб, мажлисда сиёсий партиялар томонидан 2022 йилда маблағларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда уларга доир ҳисоботларнинг шаффоф ва очиқлиги қай даражада таъминлангани масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борадаги ишлар атрофлича кўриб чиқилди.

Депутатлар мажлис давомида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда, сиёсий партияларнинг 2022 йилдаги фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисидаги ҳисоботларини маълумот учун қабул қилди.

**«Халқ сўзи».**

# ТАЪЛИМ СОҲАСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*Конституция — ҳуқуқнинг асосий манбаи, мамлакатимизнинг бутун ҳуқуқ тизими учун бошланғич асосларни мужассам этган қомус. У фундаментал давлат-ҳуқуқий муносабатларни бевосита тартибга солади. Шу боис ҳам инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларидан бири бўлган таълим олиш масъулиятининг, аввало, Конституцияда мустаҳкамланиши жамиятимиз ривожи учун беқиёс аҳамиятга эга. Зеро, таълим олиш ҳуқуқининг табиий хусусияти шу билан изоҳланадики, ривожланиш, айниқса, маънавий камолотга интилиш инсон фитратига хос омил, таълим айнан тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади.*

**Фикр**

Шу жиҳатдан Конституциямизга киритилаётган ўзгартишлар қаторида айнан таълимга оид янги қоидалар қўшилиши мамлакатимизнинг юксалиш ва тараққиёт томон юзлангани, таълим энг муҳим қадриятлардан бири сифатида улуғланаётганининг ёрқин исботи.

Хусусан, "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида"ги Конституциявий қонун лойиҳасининг 21-моддасида ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга экани белгиланмоқда. Шахсни камол топтириш айнан таълим орқали амалга оширилади, билим олиш жараёнида унинг муҳим сифат ва фазилатлари шаклланади. Интилувчанлик, мустаҳкам қадриятлар тизими, одамийлик, билимга чанқоқлик, танқидий фикрлаш кўникмалари шулар жумласидандир.

Мазкур моддада айнан шу қоиданинг мустаҳкамлаб қўйилиши ҳисобига мамлакат ва жамият ривожининг ҳозирги босқичидаги энг муҳим устувор мақсадларимиздан бири белгилаб қўйилди, десак, айни ҳақиқат. Зеро, ҳар бир шахс камолоти орқали жамият тараққий топади, шу туфайли олдимизга қўйган энг олий ва эзгу ниятларимизга етишамиз.

Бу борадаги яна бир муҳим имконият қонун лойиҳасининг 33-моддасида белгиланган. Унда давлат интернет тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши қайд этилган. Бу жуда муҳим қоида. Нега деганда, бугунги кунда бошқа соҳалар қатори таълим тизимини ҳам жаҳон ахборот маконисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мактаб ўқувчилари ва талабалар ўз устида доимий ишлаши, ўқитувчи-мураббийлар малакасини оширишида интернетнинг ўрни улкан. Қолаверса, замонавий ахборот жамиятида инсон бир умр ўқиб-ўрганиши лозим. Биз яшаётган билимлар иқтисодиёти ва инновациялар даврида билим олишга эҳтиёж мутлақо табиий ҳол. Таълим жараёни янада мослашувчан, натижадор ва ҳар томонлама самарали бўлиши учун интернет тармоғи тақдим этаётган имкониятлардан унумли фойдаланиш зарур. Шу маънода, ушбу қоиданинг Бош қомусимизга киритилаётгани катта аҳамият касб этади.

Шу ўринда лойиҳанинг 50-моддасига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Унга кўра ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоидада айнан "ҳар ким" жумласидан фойдаланилгани жуда муҳим. Гап шундаки, таълим олиш ҳуқуқи субъектнинг айнан "ҳар ким" деб тафсифланиши Ўзбекистон таълим тизимида камситишга йўл қўйилмаслигини англатади.

Шунингдек, бу моддада давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил тур ва шакли ҳамда давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожини таъминлаши белгиланяпти. Давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиши, бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши ҳақидаги қоидалар ҳам айнан шу моддада мустаҳкамланмоқда. Ҳар бир инсон, унинг туғилган жойи ва яшаш ҳудуди, миллати, жинси ва унинг ижтимоий мақомини тавсифловчи бошқа хусусиятларидан қатъи назар, туғилган пайтидан бошлаб (шахсан ўзи ёки ота-онаси ёхуд бошқа қонуний вакиллари, васийлари орқали) жамият, аввало, ўзининг давлат институтлари тимсолида унга конструктив ижтимоийлашувда кўмак беришини талаб қилишга ҳақли. Яъни бу ўринда "ижтимоийлашув" деганда, шахснинг ўз эҳтиёж ва манфаатини рўёбга чиқаришга хизмат қилувчи алоқалар тизимига киришиши назарда тутилмоқда. Оддий айтганда, инсон жамиятда ўз ўрнини топишига айнан давлат кўмакчи бўлиши лозим. Таълим олиш имкониятлари давлат томонидан кафолатланиши ҳар кимнинг шахс сифатида камол топиб, бахтли бўлиши учун муҳим омил ҳисобланади.

Айтиш жоизки, ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан, таълим олиш ҳуқуқи маълум маънода мажбурият ҳам ҳисобланади. Боз устига қонунчилик ҳамда юридик амалиёт шуни кўрсатадики, кўпгина ҳуқуқлар одамларда фақат инсон томонидан қандайдир ижтимоий ва юридик мажбуриятлар бажарилгандан кейин пайдо бўлади. Айни чоғда ҳуқуқларнинг амалга оширилиши янги мажбуриятларни пайдо қилади ва ҳоказо. Таълим олишга бўлган ҳуқуқ ҳам айнан шундай турдаги ҳуқуқларга киради. Муайян ёшгача (бу ёш турли мамлакатларда турлича) таълим тизимининг маълум босқичигача таълим олиш ҳуқуқи амалий жиҳатдан ҳам, юридик жиҳатдан ҳам фуқаронинг мажбурияти бўлади. Яъни ҳар биримиз бизга ижтимоий коммуникациянинг маълум даражасини кафолатлайдиган билим ва кўникмага эга бўлишимиз шарт. Бизнинг юртимизда минимал маълумотга эга бўлиш мажбурияти мактаб таълим тизими билан боғлиқ ва юридик жиҳатдан Конституция ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Бунда асосий мажбурият давлат ва ота-оналарга юклатилган.

Конституциянинг янги таҳрирдаги лойиҳаси 77-моддасида ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилиши шартлиги белгиланмоқда. Демак, фарзандларнинг таълим орқали ҳаётда ўз ўрнини топишида, биринчи навбатда, айнан ота-оналар масъул эканлигини унутмаслигимиз даркор. Зеро, фарзандларимиз нафақат бизнинг, балки юртимизнинг эртанги куни. Янги таҳрирдаги Конституция ва қонунларимиз эса бизга бу борада барча зарур кафолатларни таъминлаб бериши билан муҳим аҳамиятга эга.

**Санобар СУЯРОВА,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси.**

# MAKTABGACHA VA MAKTAB TA'LIMI HUDUDIY BOSHQARUV ORGANLARI, TA'LIM MUASSASALARI, KORXONA VA TASHKILOTLAR RAHBARLARI DIQQATIGA!

## Buxoro davlat universiteti 2022/2023-o'quv yili bitiruvchilarini ta'lim muassasalari, korxona va tashkilotlarga ishga tavsiya etish va taqsimlash jarayoni boshlanganligini ma'lum qiladi.

Universitetni bakalavriat ta'lim yo'nalishlari va magistratura mutaxassisliklari bo'yicha tamomlayotgan yosh mutaxassislar hozirgi kunda pedagoglik kasbiga va o'z ta'lim yo'nalishi bo'yicha qo'yilayotgan kasbiy talablarga to'liq javob beruvchi, zamonaviy axborot texnologiyalaridan foydalanish malakasiga ega bo'lgan, ta'lim bozorida raqobatbardosh kadrlardir. Xususan, 2022/2023-o'quv yilida universitetni tamomlayotgan bitiruvchilarga turli korxona va tashkilotlardan buyurtmalar kelib tushgan.

Shu bilan birga, bitiruvchilarni ishga taqsimlashda respublikamizning barcha hududini qamrab olish nazarda tutilganligini inobatga olib, yuqori malakali mutaxassislarga ehtiyoji bor korxonalarning talablarini qondirish va bitiruvchilarga taqsimot jarayonida ish joyini tanlash imkoniyatini kengaytirish maqsadida ta'lim muassasasi tomonidan buyurtmalar qabul qilish davom etmoqda.

Bitiruvchi kadrlarga ehtiyoji mavjud davlat ta'lim muassasalari, korxona va tashkilotlar, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik sub'yektlari rahbarlari talabnoma va so'rov xati bilan Buxoro davlat universiteti rahbariyatiga murojaat qilishlari mumkin. Talabnomada buyurtmachining rekvizitlari (pochta manzili, telefon raqami) hamda taklif etilayotgan lavozim to'g'risidagi ma'lumotlar to'liq ko'rsatilishi talab qilinadi. Bundan tashqari, buyurtmachilar mavjud vakant ish o'rinlari haqida http://bkm.buxdu.uz/ havolasi orqali ma'lumot qoldirishlari mumkin.

Shuni qo'shimcha qilish joizki, mutaxassislarga ehtiyoji bor barcha korxona, tashkilotlar, shuningdek, davlat boshqaruvi tashkilotlari, aholi bandligiga ko'maklashish markazlari mas'ul xodimlari bitiruvchilar bilan bevosita suhbat o'tkazish, ishga tanlab olish hamda shartnomalar rasmiylashtirishda universitetning Marketing va karyera bo'limi hamkorlik qiladi.

Yuqori malakali pedagog kadrlar tayyorlash va ular bandligini ta'minlashdagi doimiy hamkorlik uchun oldindan minnatdorlik bildiramiz.

### Buxoro davlat universitetining bakalavriat ta'lim yo'nalishlari kunduzgi ta'lim shakli bo'yicha 2022/2023-o'quv yili bitiruvchilari to'g'risida ma'lumot

| № | Ta'lim yo'nalishlari (bakalavriat) | | Jami | Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha | | | | | | | | | | | | | | Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Shifri | Nomi | | Toshkent viloyati | Qoraqalpog'iston Respublikasi | Toshkent shahri | Navoiy viloyati | Samarqand viloyati | Xorazm viloyati | Surxondaryo viloyati | Qashqadaryo viloyati | Andijon viloyati | Farg'ona viloyati | Namangan viloyati | Jizzax viloyati | Sirdaryo viloyati | Turkmaniston Respublikasi | Buxoro shahri | Buxoro tumani | Vobkent tumani | G'ijduvon tumani | Jondor tumani | Kogon tumani | Kogon shahri | Qorako'l tumani | Qorovulbozor tumani | Olot tumani | Peshku tumani | Romitan tumani | Shofirkon tumani |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |
| | | JAMI: | 5045 | 1 | 5 | 9 | 175 | 53 | 31 | 10 | 52 | 4 | 6 | 5 | 1 | 3 | 1 | 885 | 427 | 384 | 492 | 520 | 205 | 140 | 258 | 59 | 166 | 322 | 314 | 517 |
| 1 | 60510100 | Biologiya | 164 | | | 1 | 7 | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | 29 | 14 | 12 | 19 | 18 | 10 | 3 | 8 | 2 | 3 | 9 | 9 | 17 |
| 2 | 60811300 | Qishloq xo'jalik mahsulotini saqlash va dastlabki ishlash texnologiyasi | 33 | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | 4 | 3 | 3 | 6 | 4 | | 1 | 1 | | 4 | 1 | 2 | 2 |
| 3 | 5141000 | Tuproqshunoslik | 41 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 8 | 3 | 4 | 4 | 2 | 3 | 2 | 4 | | | 4 | 2 | 4 |
| 4 | 60540200 | Amaliy matematika va informatika | 133 | | | | | | | | | | | | | | | 10 | 7 | 10 | 16 | 21 | 4 | 8 | 11 | | 14 | 10 | 10 | 12 |
| 5 | 5330100 | Axborot tizimlarining matematik va dasturiy ta'minoti | 34 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | 4 | 2 | 1 | 4 | 4 | 2 | | 5 | | 2 | 2 | 3 | 3 |
| 6 | 60230100 | Filologiya va tillarni o'qitish: tojik tili | 15 | | | | | 1 | | | 7 | | | | | | | 6 | | | | | | | | | | 1 | | |
| 7 | 60230104 | Filologiya va tillarni o'qitish: o'zbek tili | 213 | | | | 3 | 1 | 1 | | 3 | | | | | | | 16 | 25 | 14 | 23 | 33 | 11 | 6 | 9 | 2 | 5 | 18 | 16 | 27 |
| 8 | 60230100 | Filologiya va tillarni o'qitish: rus tili | 104 | | | | | | | | 1 | | | | | | 1 | 31 | 11 | 8 | 9 | 6 | 1 | 7 | 3 | 5 | | 4 | 11 | 6 |
| 9 | 5111306 | Ona tili va adabiyot (rus tili va adabiyoti o'zga tilli guruh) | 231 | | | 1 | 11 | | 1 | | 2 | | | 1 | | | | 19 | 9 | 21 | 20 | 37 | 7 | 3 | 19 | 4 | 8 | 18 | 24 | 26 |
| 10 | 60530901 | Fizika | 129 | | | | 6 | | | | | | | | | | | 11 | 9 | 10 | 12 | 10 | 13 | 7 | 14 | 1 | 5 | 13 | 9 | 9 |
| 11 | 60540100 | Matematika | 235 | | | 1 | 5 | | | | | | | | | | | 23 | 25 | 16 | 23 | 22 | 8 | 5 | 16 | 4 | 3 | 32 | 12 | 40 |
| 12 | 5112100 | Texnologik ta'lim | 117 | | | | 1 | 2 | | | | 1 | | | | | | 22 | 9 | 14 | 12 | 7 | 8 | 3 | 9 | 1 | 8 | 5 | 5 | 10 |
| 13 | 60310104 | Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 77 | | | | 4 | 1 | | | | | | | | | | 27 | 8 | 7 | 6 | 6 | 3 | | | 1 | 2 | 3 | 5 | 4 |
| 14 | 61010100 | Mehmonxona xo'jaligini tashkil etish va boshqarish | 64 | | 1 | | | | | | | | | | | | | 37 | 6 | 4 | 2 | 1 | 1 | 5 | | | | | 2 | 5 |
| 15 | 61010400 | Turizm (faoliyat yo'nalishlari bo'yicha) | 75 | | 1 | 3 | 2 | | | | 1 | | | | | | | 29 | 8 | 6 | 4 | | | 3 | | 3 | 1 | 2 | 4 | 8 |
| 16 | 5610103 | Xizmatlar sohasi (faoliyat turlari va yo'nalishlari bo'yicha ) | 53 | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | 28 | 5 | 3 | | 6 | 2 | 1 | | | 1 | 3 | 2 | |
| 17 | 5112000 | Jismoniy madaniyat | 652 | | | | 17 | 24 | 8 | 3 | 16 | | 3 | 1 | 1 | | | 109 | 72 | 46 | 56 | 73 | 24 | 9 | 24 | 6 | 29 | 42 | 35 | 54 |
| 18 | 5112001 | Jismoniy madaniyat (xotin-qizlar sporti yo'nalishi bo'yicha) | 138 | | | | 3 | 2 | | 1 | 4 | | | | | | | 16 | 9 | 11 | 13 | 23 | 4 | 2 | 8 | 3 | 10 | 6 | 10 | 13 |
| 19 | 60310900 | Psixologiya (sport psixologiyasi) | 38 | | | | 1 | 1 | 1 | | 1 | | | 2 | | 3 | | 2 | 1 | 3 | 1 | 3 | 2 | | 3 | | | 4 | 6 | 4 |
| 20 | 61010300 | Sport faoliyati: boks | 23 | | | | | | 1 | | | | | | | | | 13 | 1 | 1 | 1 | 1 | | 2 | | 1 | | | 2 | |
| 21 | 61010300 | Sport faoliyati: kurash | 42 | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | 9 | 1 | 1 | 1 | 17 | 2 | 1 | 1 | | 3 | 1 | 3 | |
| 22 | 5111700 | Boshlang'ich ta'lim va sport-tarbiyaviy ish | 305 | | | 1 | 9 | | 2 | | 1 | | | | | | | 41 | 22 | 29 | 29 | 30 | 14 | 9 | 24 | 5 | 19 | 19 | 12 | 39 |
| 23 | 5111800 | Maktabgacha ta'lim | 251 | | 1 | | 12 | 1 | | | 1 | | | | | | | 21 | 17 | 22 | 28 | 22 | 10 | 4 | 17 | 7 | 6 | 17 | 13 | 52 |
| 24 | 5110900 | Pedagogika va psixologiya | 81 | | | | 3 | | 1 | | | | | | | | | 20 | 5 | 6 | 4 | 7 | 2 | 2 | 9 | | 3 | 7 | 3 | 9 |
| 25 | 5151204 | Amaliy san'at (xalq amaliy bezak san'ati va restavratsiya) | 24 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 7 | 3 | 4 | 1 | 5 | | | 1 | | | 1 | 1 | |
| 26 | 5150711 | Cholg'u ijrochiligi: xalq cholg'ulari (rubob prima, qashqar va afg'on rubobi ) | 18 | | | | 2 | | | | | | | | | | | 4 | 3 | | 1 | 1 | 3 | | 1 | | | | 3 | |
| 27 | 5151700 | Madaniyat va san'at muassasalarini tashkil etish hamda boshqarish | 17 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 6 | 3 | | 1 | 1 | | 1 | | | 1 | | | 3 |
| 28 | 5111100 | Musiqa ta'limi | 253 | 1 | 1 | | 6 | 2 | 5 | 3 | 1 | | | | | | | 58 | 36 | 15 | 21 | 23 | 10 | 13 | 12 | | 6 | 9 | 13 | 18 |
| 29 | 5150801 | Rangtasvir: dastgohli | 17 | | | | 3 | | | | | | | | | | | 4 | 2 | 1 | | 3 | 2 | | | | | | 1 | 1 |
| 30 | 5110800 | Tasviriy san'at va muhandislik grafikasi | 142 | | | | 6 | 1 | | | | | | | | | | 30 | 13 | 16 | 14 | 5 | 10 | 9 | 5 | 2 | 1 | 5 | 7 | 18 |
| 31 | 5150602 | Vokal san'ati: an'anaviy xonandalik | 14 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 2 | 1 | | 5 | 1 | | | | 1 | 1 | 2 | |
| 32 | 60710404 | Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 45 | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | | 6 | 3 | 2 | 2 | 7 | 2 | 4 | 6 | 1 | 2 | 3 | 1 | 4 |
| 33 | 60530400 | Geografiya | 41 | | | | 3 | | | | | | | | | | | 3 | 2 | 5 | 6 | 3 | 2 | | 2 | | | 1 | 1 | 13 |
| 34 | 60530100 | Kimyo | 118 | | | | 10 | | | | | | | | | | | 17 | 8 | 11 | 19 | 3 | 6 | 2 | 4 | 2 | 4 | 11 | 7 | 14 |
| 35 | 60220400 | Arxeologiya | 21 | | | | 4 | | | | 1 | | | | | | | 4 | 2 | 1 | 3 | 2 | | 2 | | | | | 2 | |
| 36 | 5111600 | Milliy g'oya, ma'naviyat asoslari va huquq ta'limi | 121 | | | | 9 | | | | 3 | | | | | | | 12 | 7 | 12 | 11 | 22 | 4 | 3 | 3 | | 2 | 10 | 12 | 11 |
| 37 | 60310903 | Psixologiya (amaliy psixologiya) | 83 | | | | 1 | | | 1 | 1 | | | | | | | 11 | 10 | 10 | 8 | 9 | 4 | 3 | 4 | 1 | 2 | 5 | 5 | 8 |
| 38 | 60310904 | Psixologiya (oila psixologiyasi) | 41 | | | | 3 | 1 | | | | | | | | | | 1 | 5 | 2 | 6 | 4 | 1 | 1 | | 1 | 2 | 5 | 4 | 5 |
| 39 | 60220300 | Tarix (mamlakatlar va mintaqalar bo'yicha) | 152 | | | | 4 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | 24 | 14 | 8 | 22 | 12 | 4 | 4 | 8 | 1 | 5 | 12 | 13 | 18 |
| 40 | 5121000 | Tarix. Buxoro tarixi | 34 | | | | 4 | | | | | | | | | | | 5 | 3 | 4 | 3 | 3 | 2 | | 1 | | 2 | 2 | 2 | 3 |
| 41 | 60230103 | Filologiya va tillarni o'qitish: fransuz tili | 40 | | | | | | | | | | | | | | | 6 | | 3 | 24 | | | | 4 | | | | 2 | 1 |
| 42 | 60230101 | Filologiya va tillarni o'qitish: ingliz tili | 124 | | | 1 | 1 | 1 | | | | | | | | | | 45 | 11 | 11 | 7 | 10 | 4 | 5 | 5 | 2 | 1 | 8 | 4 | 8 |
| 43 | 60230119 | Filologiya va tillarni o'qitish: nemis tili | 24 | | | | 2 | 1 | | | | | | 1 | | | | 5 | 1 | 1 | 3 | 3 | 1 | | | | | 2 | 2 | 2 |
| 44 | 61010503 | Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati: fransuz tili | 28 | | 1 | | 2 | 3 | 5 | | 1 | | | | | | | 1 | | 1 | 10 | | 1 | | 2 | | | | | 1 |
| 45 | 61010505 | Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati: ingliz tili | 43 | | | | 2 | | | | | | | | | | | 12 | 8 | 2 | 1 | 6 | 2 | 1 | 2 | | | 2 | 3 | 2 |
| 46 | 61010503 | Gid hamrohligi va tarjimonlik faoliyati: nemis tili | 15 | | | | 3 | 4 | 2 | | 1 | | 2 | | | | | | | 1 | | | 1 | | | | | | | 1 |
| 47 | 5112200 | Maktabgacha va boshlang'ich ta'limda xorijiy til (ingliz tili) | 39 | | | | 4 | | | | 1 | | | | | | | 6 | 3 | 2 | 5 | 3 | 2 | | 1 | | | 2 | 1 | 9 |
| 48 | 60230204 | Tarjima nazariyasi va amaliyoti: fransuz | 11 | | | | 2 | | | | | | | | | | | 1 | | | 6 | | | | 1 | | | | 1 | |
| 49 | 60230203 | Tarjima nazariyasi va amaliyoti: ingliz | 31 | | | 1 | 1 | 2 | | | | | 1 | | | | | 4 | 2 | | 1 | 6 | 1 | 1 | | | 1 | 2 | 6 | 2 |
| 50 | 60230206 | Tarjima nazariyasi va amaliyoti: nemis | 7 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | 4 | | 1 |
| 51 | 60111800 | Xorijiy til va adabiyoti: ingliz tili | 294 | | | | 13 | 2 | | | 3 | 2 | | | | | | 76 | 14 | 18 | 24 | 31 | 11 | 8 | 11 | 4 | 10 | 16 | 21 | 30 |

### Buxoro davlat universitetining magistratura mutaxassisliklari bo'yicha 2022/2023-o'quv yili bitiruvchilari to'g'risida ma'lumot

| № | Ta'lim mutaxassisliklari (magistratura) | | Jami | Shu jumladan, viloyatlar bo'yicha | | | | | | | | | | | | | | Buxoro viloyati shahar va tumanlari bo'yicha | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Shifri | Nomi | | Toshkent viloyati | Qoraqalpog'iston Respublikasi | Toshkent shahri | Navoiy viloyati | Samarqand viloyati | Xorazm viloyati | Surxondaryo viloyati | Qashqadaryo viloyati | Andijon viloyati | Farg'ona viloyati | Namangan viloyati | Jizzax viloyati | Sirdaryo viloyati | Turkmaniston Respublikasi | Buxoro shahri | Buxoro tumani | Vobkent tumani | G'ijduvon tumani | Jondor tumani | Kogon tumani | Kogon shahri | Qorako'l tumani | Qorovulbozor tumani | Olot tumani | Peshku tumani | Romitan tumani | Shofirkon tumani |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |
| | | JAMI: | 767 | 0 | 0 | 0 | 14 | 2 | 2 | 0 | 1 | 2 | 2 | 0 | 0 | 0 | 0 | 207 | 91 | 58 | 68 | 73 | 44 | 24 | 44 | 8 | 21 | 29 | 29 | 48 |
| 1 | 70230502 | Adabiyotshunoslik: ingliz adabiyoti | 60 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 29 | 10 | 1 | 1 | 3 | 4 | 1 | | | | 1 | 7 | 2 |
| 2 | 70230502 | Adabiyotshunoslik: o'zbek adabiyoti | 23 | | | | 1 | | | | | 2 | | | | | | 4 | 3 | 1 | 3 | 3 | | 1 | 1 | | 2 | | | 2 |
| 3 | 70230502 | Adabiyotshunoslik: rus adabiyoti | 11 | | | | | | | | | | | | | | | 4 | 3 | | 1 | | | | | | 1 | 1 | 1 | |
| 4 | 70540201 | Amaliy matematika (sohalar bo'yicha) | 25 | | | | 2 | | | | | | | | | | | | | 2 | 4 | 2 | 4 | 1 | 4 | | | 1 | 1 | 4 |
| 5 | 70220401 | Arxeologiya | 10 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 2 | 2 | | 1 | 2 | | | | | 1 | | |
| 6 | 70610204 | Axborot tizimlari (tarmoqlar bo'yicha) | 9 | | | | | | | | | | | | | | | 1 | 1 | 1 | | 2 | 1 | | | | 2 | | | 1 |
| 7 | 70530402 | Biologiya (fan yo'nalishlari bo'yicha) | 60 | | | | 1 | | | | 1 | | | | | | | 19 | 9 | 4 | 9 | 3 | 2 | 2 | 4 | 1 | | 1 | 1 | 3 |
| 8 | 5A121401 | Etnografiya, etnologiya va antropologiya | 15 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | 1 | 3 | 3 | 2 | | 1 | | | | | 2 |
| 9 | 70530901 | Fizika (yo'nalishlar bo'yicha) | 25 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | 3 | 1 | 3 | 4 | | | 7 | 1 | 2 | 1 | | |
| 10 | 70530402 | Geografiya (o'rganish obyekti bo'yicha) | 17 | | | | | 1 | | | | | | | | | | 4 | 2 | 2 | 1 | 2 | | 1 | 1 | | | 1 | | 2 |
| 11 | 70310102 | Iqtisodiyot (tarmoqlar va sohalar bo'yicha) | 19 | | | | | | | | | | | | | | | 9 | 3 | | 2 | 1 | 1 | 1 | | | 2 | | | |
| 12 | 70530101 | Kimyo (fan yo'nalishi bo'yicha) | 48 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 10 | 3 | 7 | 10 | 6 | 2 | 1 | 1 | 1 | 2 | | 2 | 2 |
| 13 | 70610101 | Kompyuter ilmlari va dasturlash texnologiyalari (yo'nalishlar bo'yicha) | 12 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | 1 | | | 2 | 1 | | | 2 | 1 | 2 | | 1 |
| 14 | 70230101 | Lingvistika: fransuz tili | 14 | | | | 1 | | 1 | | | | | | | | | 3 | | 1 | 5 | | | | 1 | | | | | 2 |
| 15 | 70230101 | Lingvistika: ingliz tili | 58 | | | | | | | | | | | | | | | 16 | 10 | 3 | 4 | 7 | 1 | 7 | 2 | | 1 | 2 | 2 | 3 |
| 16 | 70230101 | Lingvistika: o'zbek tili | 49 | | | | | | | | | | | | | | | 8 | 7 | 6 | 4 | 7 | 2 | 3 | 3 | | 1 | 1 | 4 | 3 |
| 17 | 70230101 | Lingvistika: rus tili | 42 | | | | | | | | | | | | | | | 12 | 7 | 6 | | 4 | 1 | 2 | 1 | 1 | 3 | 1 | 2 | 2 |
| 18 | 70540101 | Matematika (yo'nalishlar bo'yicha) | 57 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 11 | 3 | 5 | 5 | 3 | 6 | | 8 | | 1 | 7 | 3 | 4 |
| 19 | 70230301 | Matnshunoslik va adabiy manbashunoslik (tillar bo'yicha) | 22 | | | | | | | | | | 1 | | | | | 9 | | | 1 | 5 | | | 1 | | | 1 | 2 | 2 |
| 20 | 70310901 | Psixologiya (faoliyat turlari bo'yicha) | 34 | | | | 3 | | | | | | | | | | | 9 | 5 | 2 | 3 | 4 | 2 | 1 | | 1 | | 1 | 1 | 2 |
| 21 | 70530904 | Qayta tiklanuvchi energiya manbalari va barqaror atrof-muhit fizikasi | 12 | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | 1 | | 4 | 1 | | | | 3 | | 1 |
| 22 | 70230201 | Qiyosiy tilshunoslik, lingvistik tarjimashunoslik (ingliz tili) | 45 | | | | | | | | | | 1 | | | | | 24 | 8 | 1 | 2 | 4 | 2 | 1 | | | 1 | | | 1 |
| 23 | 70220301 | Tarix (yo'nalishlar va faoliyat turi bo'yicha) | 28 | | | | | 1 | 1 | | | | | | | | | 3 | 7 | 4 | 1 | 4 | 3 | | 2 | 1 | | 1 | | |
| 24 | 70220303 | Tarixshunoslik, manbashunoslik va tarixiy tadqiqot usullari (mamlakatlar bo'yicha) | 30 | | | | | | | | | | | | | | | 6 | 1 | 3 | 3 | 1 | 3 | | 3 | | 1 | 1 | 3 | 5 |
| 25 | 5A141001 | Tuproqshunoslik (tadqiqot turi bo'yicha) | 11 | | | | 2 | | | | | | | | | | | 2 | | 1 | 2 | | | | 1 | | 1 | 1 | | 1 |
| 26 | 71010401 | Turizm (faoliyat turlari bo'yicha) | 18 | | | | 1 | | | | | | | | | | | 10 | 2 | 1 | | 1 | 1 | 1 | | | | | | 1 |
| 27 | 71010401 | Turizm (ziyorat turizmi) | 3 | | | | | | | | | | | | | | | | | 2 | | | | | | | | | | 1 |
| 28 | 70530905 | Yarimo'tkazgichlar fizikasi | 10 | | | | | | | | | | | | | | | 3 | | 1 | | 1 | | | 3 | | | 1 | | 1 |

Ma'lumot uchun telefonlar: 365-221-27-49, 365-221-29-14, 90-510-50-51 (S.Hamidov)
Buxoro davlat universitetining Marketing va karyera bo'limi.

Manzil: 200117, Buxoro shahri, M. Iqbol ko'chasi, 11-uy,
e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz, s.k.hamidov@buxdu.uz

